

Toshkent haqiqati

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_

Viloyat
ijtimoiy-siyosiy
gazetasi

2026-yil
17-yanvar
SHANBA
№ 5 (13866)

САЛОҲИЯТНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ



2026 йил бошига келиб мис жаҳон бозорида нафақат саноат метали, балки давлатларнинг иқтисодий қудратини белгилувчи стратегик ресурс мақомини тўлақонли эгаллади. Жорий йил январь ойи ҳолатига кўра, Лондон металл биржасида (LME) мис нархи бир тонна учун 12 500 – 13 000 доллар атрофида қайд этилмоқда, бу эса ўтган даврларга нисбатан 40 фоизлик ўсишни англатади.

▼ Экспорт

Дунё бозорида қўтилаётган 150 минг тоннадан 330 минг тоннагача бўлган тозаланган мис танқислиги шароитида мамлакатимизда тоғ-кон саноатини ривожлантириш ва ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш масалаларига устувор аҳамият қаратишмоқда.

Шу мақсадда “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖда ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратилган навбатдаги йирик инвестиция лойиҳасига

старт берилди. Хусусан, комбинатнинг 2-Мис бойитиш фабрикасида маъданларни қайта ишлаш қувватини йиллик 5 миллион тоннага ошириш мақсадида янги бойитиш мажмуаси барпо этилмоқда. Умумий майдони 3,1 гектарни ташкил этувчи ушбу объект қурилиши “Олмаликметаллургия” трести то-

монидан жадал суръатларда олиб борилмоқда. Лойиҳа доирасида Марказий таъмирлаш механика заводида тайёрланган замонавий технологик ускуналар ўрнатилиб, майдалаш, янчиш, флотация ва қўлтириш каби мураккаб технологик жараёнлар тўлиқ маҳаллийлаштириш асосида йўлга қўйилмоқда.

“Ёшлик-1” қони маъданини қайта ишлашга ихтисослашган мазкур мажмуа фаолияти натижасида йилига қўшимча



74,2 минг тонна концентрат олинишига эришилади. Бу эса ўз навбатида мис катоди билан бир қаторда олтин ва қумш каби қимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш ҳажмининг сезиларли даражада ошишини таъминлайди. Лойиҳанинг тўлиқ қувват билан ишга туширилиши 600 та янги иш ўрни яратиш, бюджетга тўловлар миқдорини кўпайтириш ва 2-Мис бойитиш фабрикасининг умумий ишлаб чиқариш қувватини 10 миллион тоннага етказиш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, жаҳон бозоридаги қўлай конъюнктура ва янги қувватларнинг уйғунлашуви мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш ва иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ОКМК Ахборот хизмати



▼ Шуқуҳ

Олмалик шаҳридаги “Металлург” маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 34 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди.

МИЛЛИЙ АРМИЯ — ОНА ЮРТ ҚАЛҚОНИ, ТИНЧЛИК ПОСБОНИ!

Бир ойдан буён мамлакатимизда давом этаётган ватанпарварлик ойлиги доирасида “Миллий армия — она юрт қалқони, тинчлик посбони!” деган мардонавор шиор остида ўтказилаётган тадбирлар мазкур байрамнинг халқимиз, айниқса, ёшлар ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини янада юксалтирмоқда.

(Давоми 4-саҳифада) ►



Мурожаатнома
тарғиботи:

Маҳалла — ислоҳотларнинг таянч нуқтаси

Бекобод туманида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасининг мазмун-моҳияти, унда белгиланган устувор вазифалар ҳамда амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳамиятига бағишланган тарғибот тадбири бўлиб ўтди. Учрашувда тумандаги “Бўстон”, “Гулистон” ва “Истиклол” маҳаллалари аҳолиси иштирок этди.

(Давоми 2-саҳифада) ►



Viloyat bo'ylab


ANGREN shahrining “Hakkarman-Yangi Jigariston” mahallasida bo'lib o'tgan yuzma-yuz muloqotda shahar hokimi va tegishli mutasaddi tashkilotlar mas'ullari fuqarolar murojaatlarini tingladilar. Muloqotda mahallada sportni rivojlantirish, maktabgacha va maktab ta'limiga e'tiborni kuchaytirish, yo'llarni ta'mirlash va ichimlik suvi ta'minotini barqarorlashtirish yuzasidan aholining takliflari tinglandi. Muhokama qilingan masalalar tegishli tashkilotlarga yo'naltirildi, nazoratini shahar hokimi o'z zimmasiga oldi.

YANGIYO'L tumani Kambag'allikni qisqartirish va bandlikka ko'maklashish bo'limi, tuman hokimligi hamda tuman prokuraturasi tashabbusi bilan “Bo'sh ish o'rinlari mehnat yarmarkasi” tashkil etildi. Unda tuman hududida faoliyat yuritayotgan 46 dan ortiq yirik korxona va tashkilotlar tomonidan 180 ta bo'sh ish o'рни taklif etildi. Fuqarolar o'zlarini qiziqitirgan ish o'rinlari bo'yicha ish beruvchilar bilan muloqot qilishdi.

BEKOBOD tumanida Farhod nomli mahalla idorasi uchun zamonaviy bino qurilishi boshlandi. Binoda mahalla faollari, nuroniylar, yoshlar hamda xotin-qizlar bilan ishlash uchun qulay muhit yaratiladi. Yangi binoda fuqarolarni qabul qilish xonalari, majlislar zali, shuningdek, yoshlar va ayollar uchun alohida ish xonalari tashkil etish rejalashtirilgan.

OHANGARON shahar hokimi S.Shog'osimov Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi xizmati markazi bo'limi xodimlari bilan yig'ilish o'tkazdi. Unda inson salomatligiga xavf tug'diruvchi omillarni boshqarish, ularning tizimli monitoringini olib borish va tahlil qilish, oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish, saqlash, tashish va realizatsiyasi jarayonlari ustidan sanitariya nazoratini kuchaytirish bo'yicha taklif va tavsiyalar berildi.

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИДА МУҲИМ ҚАДАМ



Шунингдек, аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини режалаштиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур жараён аҳоли сони, ёш ва ижтимоий

лари бўйича ишончли ва тўлиқ маълумотлар базасини шакллантиришга қаратилган.

Жорий йилнинг 15 январидан аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг биринчи босқичи расман бошланди. Унга кўра, 17 кун да-

Ўзбекистонда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш бўйича тарихий аҳамиятга эга кенг қамровли давлат тадбири бошланди. Ушбу жараён илк бор аҳоли турмуши ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги реал ҳолатни ягона тизимда қамраб олиб, мамлакатнинг келгуси ўн йилликларига мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатини шакллантиришда мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди.

▼ Рўйхатга олиш — 2026

таркиби, oilaviy ҳолати, таълим даражаси, иш билан бандлиги, даромад манбалари ҳамда миграция жараёни

вомида фуқаролар census.stat.uz расмий веб-сайти орқали OneID ягона идентификация тизими ёрдамида онлайн рўйхатдан ўтишлари мумкин. Бу имконият Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан бир қаторда хорижда вақтинча бўлиб турган ватандошлар учун ҳам яратилган бўлиб, улар исталган жойдан туриб рўйхатдан ўтишлари мумкин.

(Давоми 2-саҳифада) ►

“Маънавият карвони” йўлга тушди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказиш мақсадида Тошкент вилоятида тегишли ишчи гуруҳлардан иборат “Маънавият карвони” йўлга тушди.

Мазкур ишчи гуруҳлар бириктирилган туман ва шаҳарлардаги маҳаллаларда тасдиқланган график асосида аҳоли билан очик мулоқот учрашувлари

рени ўтказиб, Мурожаатнома ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг мазмунини кенг жамоатчиликка етказишди.

Мулоқотлар якунида фуқароларни қийнаб келаётган ижтимоий-иқтисодий, инфратузилмавий ва бошқа долзарб масалалар ўрганилиб, уларни ҳал этиш юзасидан аниқ чоралар белгиланади.

Шунингдек, ишчи гуруҳлар томонидан Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг ту-

ман ва шаҳарларда сўзсиз ва сифатли бажарилишини таъминлаш, белгиланган саволномаларда қайд этилган йўналишлар бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар ижросини жойларда ташкил этиш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

▼ Камбағалликдан – фаровонлик сари

2026 йилга “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб ном берилишида катта маъно бор. Бу йил биздан фақат режаларни эмас, балки аниқ натижаларни талаб этади. Зеро, ҳар бир маҳалланинг ободлиги, аҳолининг розилиги, барқарор даромад манбалари, ёшларнинг билимли ва ташаббускор бўлиши ҳамда соғлом муҳит яратилиши – жамият тараққиётининг энг муҳим мезони ҳисобланади. Маҳаллага бундай юксак эътибор қаратилиши натижасида бутун жамият ривожланади.



“Дўстлик”да ёйилган тажриба



Дарвоқе, бугун маҳалла фақат яшаш маскани эмас, балки аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорлиқни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришнинг энг муҳим бўғинига айланган. Айниқса, ҳар бир маҳаллада ишсиз фуқароларни аниқлаб, уларни касб-хунарга ўқитиш, тадбиркорликка жалб этиш, оилавий бизнес ва хунарамандчиликни қўллаб-қувватлаш усту-

вор вазифа, деб қаралмоқда.

Бу борада Ўрта Чирчиқ туманидаги “Дўстлик” маҳалласи эътиборга лойиқ тажриба мактабига айланган. Айни пайтда маҳалладаги 684 та хонадонда 3,5 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Жами 1 минг 20 та оила мавжуд бўлиб, маҳаллада ишсиз фуқаролар йўқ.

Маҳалладаги томорқаларнинг умумий майдони 68 гектарни

ташқил этади. 120 та иссиқхона барпо этилган бўлиб, қолган томорқаларда тўқсонбости экинлар етиштирилмоқда. Ўтган йили оилавий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли шартларда 1 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратилиб, иссиқхоналар қурилди. Камбағаллик реестрига киритилган 5 та оила ҳам кредит билан таъминланиб, даромад манбаига эга бўлди.

Маҳаллий аҳоли асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланса-да, драйвер сифатида қўзиқоринчилик ҳам ривожланмоқда.

– Маҳалладошларимиз меҳнатдан қочишмайди, – дейди ҳоким ёрдамчиси Жамшид Ҳасанов. – Шу сабабли, давлатимиз томонидан яратиб берилётган ҳар бир имконият ва имтиёздан фойдаланиб, аҳолига йўл-йўриқ кўрсатаймиз.

Ҳоким ёрдамчисининг тавсиясига қўра, қўллаб аҳоли томорқасидан самарали фойдаланишни бошлаган. Жумладан, Севара Раҳимбоева 2,5 сотих ерда иссиқхона қуриб, қўзиқорин етиштирмоқда.

– Дастлаб уста томорқачилардан қўзиқорин етиштириш сирларини ўргандим, – дейди у. – Ўтган ёзда имтиёзли кредит олиб, иссиқхона қурдик. Бугун уйдан чиқмай, қўшимча даромад топыаман.

Баҳодир Таспўлатов эса 3 со-

тих иссиқхонада зирворлар билан бирга кўпийиб эккан.

– Даромади чакки эмас, – дейди у. – Олган фойдамиз рўзгорга етпти. Айниқса, ёшинг ўтиб қолгандан кейин бир жойга қатнаб ишлашга у қадар хоҳишинг бўлмас экан. Иссиқхона деганлари янгангиз иккимизга ҳам эрмак, ҳам даромад манбаи бўлди.

Яна бир ёш томорқачи Маждид Мамусоев 10 сотих майдонга қўлунининг корейс навини эккан. Айни кунларда ҳосил пайдар-пай бозорга чиқарилмоқда. Ҳатто экспорт учун сотиб олишмоқда экан.

– Деҳқончиликнинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бор, – дейди томорқачи. – Ўтган йили ҳосил кутганимиздек бўлмади. Шуни ҳисобга олиб, янги навлардан кўчат етиштиришни йўлга қўйдик. Насиб қилса, қўлунининг озорларни янада кенгайтирмоқчимиз.

Айтиш жоизки, “Дўстлик” маҳалласи нафақат иқтисодий, балки аҳолининг интеллектуал салоҳияти билан ҳам ажралиб туради. Маҳаллада 50 нафардан ортиқ таржимонлар етиштириб чиққан. Айни пайтда Хитой Халқ Республикасида шу маҳалланинг 34 нафар ёшлари тахсил олмақда.

Хуллас, 2025 йилда маҳалла ишсизлик ва камбағалликдан ҳоли ҳудудга айланди. Бу ерда ҳаётга татбиқ этилган ташаббуслар бошқа маҳаллаларга ҳам ёйилса, кўп муаммолар ечим топишига шубҳа йўқ.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Салим АҚБАРОВ
олган суратлар

Мурожаатнома тарғиботи:
Маҳалла –
ислохотларнинг таянч нуқтаси

Тадбирда вилоят ҳокими Зойир Мирзаев Мурожаатномада белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, давлат органлари фаолиятида очиқлик ва масъулиятни кучайтириш, маҳаллаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, юртимизда ҳар бир ислохот одамларнинг турмуш фаровонлигини оши-

ришга қаратилган бўлиб, бунинг учун маҳалла – энг муҳим бўғин ҳисобланади. Айнан маҳаллаларда аҳолининг эҳтиёжлари, муаммолари ва ташаббуслари шаклланади ва уларни жойида ўрганиш ҳамда тезкор ҳал этиш имконияти туғилади.

Очиқ мулоқот шаклида ўтган учрашууда фуқароларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар берилиб, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан фикр алмашилди.

Маъмур тарғибот тадбири Президент Мурожаатномасида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг мазмунини кенг жамоатчиликка етказиш, аҳолининг давлат сиёсатига бўлган ишончини мустақамлаш ҳамда ислохотлар жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

Нурафшон шаҳридаги Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг вилоят бўлимида уюшмага янги қабул қилинганларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Тадбирни уюшманинг вилоят бўлими раҳбари Раҳматилла Шералиев олиб борди.

АЪЗОЛИК ГУВОҲНОМАЛАРИ
ТОПШИРИЛДИ

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда уюшма фаолияти кенгайиб, аъзолари сони кўпаймоқда. Айни вақтда вилоятда уюшмаси аъзолари сони 100 нафардан ортиган. Бу кўрсаткич вилоят журналистикасидаги фаол ижодий муҳит ва соҳа ахборотига кўрсатилган эътибор самарасидандир.

Шунингдек, уюшма томонидан фахрий журналистларга алоҳида эътибор қаратилаётгани, уларнинг ҳолидан мунтазам хабар олиниб, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда маънавий рағбатлантириш тизими йўлга қўйилгани таъминлаш сазовор.

Эслатиб ўтиш жоизки, ўтган йил охирида “Нурафшон ТВ” телеканали мухбири Гулнора Отажанова, “Қибрай садоси” газетаси мухбири Махбула Қосимова, “Тошкент ҳақиқати” газетаси мухбирлари Нигора

Ўролова ва Нозима Расулова ҳамда “Олмалик КМК” АЖ бошқаруви Ахборот хизмати таркибидаги “За цветные металлы” газетаси муҳаррири Людмила Геннадьевна уюшма аъзолигига қабул қилинган эди.

Тадбирда “Қибрай садоси” газетаси мухбири, шоира Ойгул Суяндиқова ҳамда фахрий журналист Исматилла Нейматиллаев сўзга чиқиб, янги аъзоларни табриклади. Шунингдек, уюшманинг журналистлар ҳаётида тутган ўрни, ижодий фаолиятни қўллаб-қувватлашдаги аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазаларни билдирди.

Уюшманинг янги аъзолари ҳам ишонч ва эътибор учун миннатдорлик билдириб, ижодий фаолиятларида ҳолислик, масъулият ва касбий этикага содиқ қолишларини таъкидлашди.

Ўз мухбиримиз

▼ Ҳамкорлик

Айни кунларда Тошкент вилояти Фермерлар кенгаши раиси Шухрат Дўстбеков бoшчилигидаги 16 нафар фермер хўжаликлари раҳбарлари Хитой Халқ Республикасида хизмат сафарига бўлиб туришибди.



ЮРТ КЕЗАЁТГАН ФЕРМЕРЛАР

Маъмур хизмат сафари Тошкент вилояти ҳокимлиги ва Фермерлар кенгашининг ташаббуси ва амалий кўмаги билан ташкил этилди.

Фермерларимиз Хитой кишлoқ хўжалигида эришилаётган ютуқлар, замонавий ёндашувлар ҳамда илгор агротехнологиялар билан яқиндан танишиш имкони-га эга бўлмоқдалар.

Сафар давомида қатор муҳим йўналишлар ўрганилмоқда. Хусусан, делегациямиз аъзолари Анхой провинцияси, Хэфэй шаҳрида бўлиб, мезбон мамлакатнинг аграр тармоқда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлари, йирик аграр хўжаликлари, илмий тажриба майдонлари, кимёвий

ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналари фаолияти билан яқиндан танишишмоқда.

Айниқса, кишлoқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилаётган инновацион технологиялар, техника ва механизмлар, сувдан тежамкор фойдаланиш усуллари ҳамда аграр инфратузилмани тўғри ташкил этиш бўйича илгор тажрибалар диққат марказида бўлмоқда. Шунингдек, дала четлари ва йўл бўйларида экин жойлаштириш тажрибалари билан танишилмоқда.

Пахтачилик йўналишида ҳам Шинжон тажрибаси бевоқифа ўрганилмоқда. Фермерлар пахта-нинг серҳосил ва тезпишар

навлари, юқори самара берувчи агротадбирлар, сув тежовчи пахта етиштириш амалиёти, пахта парваришида рақамлаштириш ва механизациялаштириш каби бир қатор масалалар бўйича амалий кузатувлар олиб боришмоқда.

Фермерлар учун хизмат сафари харажатларини енгиллаштириш мақсадида Республика Фермерлар кенгаши томонидан ҳар бир иштирокчи фермерга йўл харажати учун 3 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди.

Сафар натижалари амалиётга жорий этилади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

ОЛИС ҲУДУДДА ҚЎШ ТУҲФА

Мамлакатимизда олиб бoриладиган изчил ислохотлар туфайли олис ҳудудларда ҳам болаларнинг сифатли таълим-тарбия олиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Айниқса, оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари аҳолига катта қўлайлик яратмоқда.

▼ Мактабгача таълим

Бўка туманининг олис “Қўлдоштепа” маҳалласида яқин кунларгача болалар боғчаси йўқ эди. Ота-оналар фарзандларини қўшни маҳаллалардаги боғчаларга олиб боришар, бу эса вақт, маблағ ва хавфсизлик томонидан қийинчилик туғдирарди.

Яқинда маҳаллада хушхабар тарқалди. Икки нафар тадбиркорнинг ташаббуси билан маҳаллада бир йўла иккита оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолиятини бошлади.

Боғчаларда болалар ёшига мос замонавий дастурлар асосида таълим-тарбия ола-

дилар. Яъни, ўйин орқали ўқитиш, ижодий машғулотлар, нутқни ривожлантириш, жисмоний ҳамда маънавий тарбияга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Гуруҳлар кам

сонли бўлгани учун ҳар бир болага алоҳида ёндашилмоқда.

Эътиборлиси, бу ташаббус вилоят прокуратураси



ҳамда вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси кўмагида, тадбиркорлар учун яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

Бошқарма маълумотига қўра, бугунги кунда туманда жами 114 та мактабгача таълим ташкилоти фаолият юрит-

моқда. Шундан 24 таси давлат, 84 таси оилавий нодавлат ва 4 таси давлат-хусусий шерикчилик асосида ташкил этилган боғчалардир.

“Қўлдоштепа” маҳалласидаги иккита боғчага 100 га яқин болани қамраб олиш режалаштирилган.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати”
мухбири

МАМЛАКАТ
ТАРАҚҚИЁТИДА
МУҲИМ ҚАДАМ

(Давоми. Бошланғич 1-санафда)

Маълумот учун, Президентнинг 2025 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва кишлoқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш тўғрисида”ги Фармонида мўвофиқ мазкур тадбир 2026 йил 15 январдан 28 февралга қадар ўтказилади. Аҳолини рўйхатга олиш аҳоли тўғрисидаги ишончли маълумотларнинг асосий манбаи бўлиб, келгуси 10-20 йиллик ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогноз қилиш учун зарур бўлган муҳим кўрсаткичларни аниқлаш имконини беради.

Рўйхатга олиш жараёнлари очиқлик ва шаффофлик тамойиллари асосида ташкил этилади. Хусусан, сўровномадаги саволлар сони дастлаб режалаштирилган 328 тадан 71 тага қисқартирилиб, аҳоли учун қўлай ва самарали механизм яратилди. Рўйхатга олиш натижасида тахминан 38 миллион аҳолига оид ёш таркиби, оилавий ҳолати, таълим даражаси, иш билан бандлиги, даромад манбалари ҳамда миграция жараёнлари бўйича ягона ва яхлит маълумотлар базаси шакллантирилади.

Шу билан бирга, кишлoқ хўжалиги соҳасида ердан фойдаланиш ҳолати, чорвачилик ва паррандачиликка оид асосий кўрсаткичлар ҳам аниқланиши белгиланган.

Аҳолини рўйхатга олиш жараёни икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқич – 15-31 январь кунлари ўтказилиб, бунда аҳолига интернет орқали маълумотларни мустақил равишда киритиш имконияти яратилади. Бунинг учун фуқаролар census.stat.uz портали орқали OneID тизими ёрдамида рўйхатдан ўтиб, ўзи ва оила аъзолари ҳақидаги саволномани тўлдирши мумкин бўлади. Кейинги босқичда эса бир ой давомида “маҳалла еттичилиги” аъзолари иштирокида уйма-уй юриб, аҳолидан маълумотлар йиғилади.

Аҳоли ва кишлoқ хўжалигини рўйхатга олиш натижалари давлат бошқаруви, ҳудудларни ривожлантириш, ижтимоий ҳимоя, бандлик ва таълим тизимларини такомиллаштиришда асосий таянч манба бўлади. Шу боис ҳар бир фуқаронинг ушбу жараёнда фаол иштирок этиши келгусида қабул қилинадиган қарорларнинг манзилли ва самарали бўлишига хизмат қилади. Зеро, ишончли статистик маълумотлар – барқарор тараққиётнинг энг муҳим кафолатидир.

Ўз мухбиримиз

“Тошкент ҳақиқати” йўқлови

Хаётда одамлар турли табиат ва қарашлар билан яшайди. Кимдир умр мазму-нини еб-ичишу кийинишда кўрса, яна кимдир ҳаётдан кайф-сафо, завқ-шавқ олишни ўз олдига ягона мақсад қилиб қўяди. Аммо шундай инсонлар борки, улар учун ҳаётнинг энг олий маъноси одамларга яхшилик қилиш, жамият тараққиёти-га ҳисса қўшиш ва ортидан яхши ном қолдиришдир. Бундай кишилар ҳалолликни умрининг бош қондасига айлантириб, эзгу мақсадлар йўлида кечаю-кундуз тиним билмай меҳнат қиладилар.

САКСОН ЙИЛЛИК ҳаёт мактаби

Юртимизнинг кўплаб гўшаларида эл-дошларининг яхши-ёмон кунда елкадош бўлиб, уларнинг самимий ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлган Алижон Акбаров ана шундай инсонлардан бири.

Алижон ака 1945 йилнинг январда Андижон вилоятининг Марҳамат туманида дунёга келган. Тақдир тақозоси билан кейинчалик Оҳангароннинг Хонобод қишлоғига келиб қолади.

1963 йил ўрта мактабни тамомлагандан сўнг шаҳардаги илк йирик корхона – цемент комбинатида меҳнат қила бошлайди. Аввалига чилангарга шогирд, кўп ўтмай мустақил чилангар бўлиб ишлайди. Уч йиллик ҳарбий хизматга бориб қайтгандан кейин яна шу жамоада меҳнат фаолиятини давом эттиради. Дастлаб оддий ҳайдовчи, 1969 йилдан 1979 йилгача уста, механик, ишлаб чиқариш участкаси бошлиғи каби масъулиятли лавозимларда фаолият юритади. Шу йиллар давомида Тошкент политехника институтининг муҳандис-механик мутахассислиги йўналишини тамомлайди.

1971 йил 31 август куни Оҳангарон тумани қайта ташкил этилиб, Оҳангарон шаҳри унинг маркази бўлди. 1979-1981 йилларда Алижон Акбаров Оҳангарон тумани партия кўмитасининг ташкилий ишлар бўлимида йўриқчи бўлиб ишлади. 1981-1987 йил-

ларда Оҳангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмасида бошланғич партия кўмитаси котиби вазифасини бажарди. Кейинги йилларда темир-бетон маҳсулотлари заводида, касб-хунар техника билим юртида, рангли цемент корхонасида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлиб, кенгаш раиси, шаҳар ҳокими муовини бўлди. Бир неча марта Халқ депутатлари Оҳангарон шаҳар кенгаши депутати этиб сайланди.

Ҳар бир инсон ҳаётида унутилмас воқеалар бўлади. Алижон аканинг ҳам умр дафтарига битилган шундай лаҳзалар кўп. У юрт раҳбарлари Шароф Рашидов, Иномжон Усмонхўжаев ва Ислон Каримов билан учрашган, улар билан дилдан суҳбатлашган кунларини ҳеч унутмайди. Зеро, бундай шараф ҳар кимга ҳам nasib етавермайди. Алижон ака ўша кунларни шундай хотирлайди:

– Одатдаги кунларнинг бирида Оҳангарон тумани партия кўмитасининг биринчи котиби Карим Икромов эрталабдан бизни хузурига чорлаб, бугун Шароф Рашидов Оҳангаронга таширф буюриши мумкинлиги, шу боис барчамиз иш жойларимизда шай туришимиз, савол-жавобларга тайёр бўлишимиз кераклигини таъкидлади.

Ҳеч ким юрт раҳбарининг қайси вақтда келишини билмасди, негаки ўша пайтларда Рашидовнинг олдидан хабарсиз таширф буюриши одатий ҳол эди. Бир пайт: “Раҳбарлар келишиди”, деб қолишди. Шароф Рашидовнинг қайси машинада келганини англай олмай ҳаммамиз жой-жойимизда турар эдик. Шу пайт салобатли, узун бўйли, юзлари оқ-сарикдан келган, бошига шляпа, этнига оқ костюм кийган киши шаҳдам юриб кириб келди. У Шароф Рашидов эди. Ортида бир неча Марказкўм бюроси аъзолари ҳам бор эдилар.

Барчамиз ҳаяжондамиз... Рашидов навбат билан кўриша бошлади. Менга келганда у савол билан юзланди:

– Ука, сиз комсомолда ишласангиз керак?

Менинг ўрнимга ёнимда турган туман партия кўмитаси котиби Шириной Қаршибоева жавоб берди:

– Шароф Рашидович, бу укамиз райком партияда, ташкилий бўлимда йўриқчи вазифасида ишлайди.

Рашидов мамнулик билан чап кўлини елкамга қўйди-да, ишларимга омад тилади. Ўша кунги учрашув бир умр ёдимда қолди. Шароф ота кўлларини маҳкам қисганида унинг оталарча меҳрини туйган, бутун вужудимга ёқимли бир ҳарорат ёйилган эди. Шароф Рашидович шу куни аввал туман

раҳбари Карим Икромовнинг хонасида масъул ходимлар билан, кейин мажлислар залида корхона ва ҳўжаликлар раҳбарлари билан дилдан суҳбатлашди. Табиийки, баландпарвоз гаплар ва имконсиз ваъдалар бўлмади. Асосий вазифалар имконият даражасидан келиб чиқиб белгиланди, лозим маблағ ва ресурслар эса йиғилишда иштирок этаётган вазирликлар зиммасига юкланди.

Орадан кунлар, ойлар ўтса-да, ўша кунги учрашув таассуротлари ва унда нутқ сўзлаган Шароф Рашидовнинг нурли сиймоси кўз олдидан кетмас эди.

Иккинчи бор Шароф Рашидовни 1982 йилнинг ёзида Оҳангарон тумани партия кўмитаси ва туман фаоллари йиғилишида кўрдим. Йиғилишда одатда пленум аъзолари залнинг биринчи қаторида ўтирар эди. Мен ҳам пленум аъзоси эдим.

Рашидов залга йиғилганларни кузатар экан, навбат менга келганида табассум билан мамнун бош иргаб қўйди. Мен ўшанда бу бағрикенг инсоннинг хотираси ўта кучли эканига тан берган эдим.

Шароф Рашидовдан кейин Ўзбекистонга раҳбарлик қилган Иномжон Усмонхўжаев билан учрашув ҳам ана шундай самимий суҳбат билан ўтган эди. 1985 йилнинг 8 январиди Оҳангарон цемент комбинати партия кўмитаси гоъвий-сиёсий ишлари Марказий Кўмита бюро мажлисида қўриладиган бўлди. Мазкур масала бўйича бюро йиғилишига Тошкент вилояти масъул раҳбарлари чақирилган эди. Усмонхўжаев ҳаммамиз билан самимий кўришди ва менга сўз берди. Ҳисоботим ўн беш-йигирма дақиқа бўлди. Савол-жавоблар ва қизгин муҳокамадан сўнг “Оҳангаронцемент” ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳисоботи қониклари деб топилди, бу борадаги ижобий ишларни республика партия ташкилотлари орасида ёйиш бўйича ҳам қарор қабул қилинди. Усмонхўжаев ўшанда ҳисоботдан мамнун бўлиб кўлимни қисиб, ишларимга омад тилаган эди.

Алижон аканинг Ислон Каримов билан

учрашуви ҳам қадрдон комбинатида бўлди.

– 1984-йилнинг ёзи эди, – дея эслайди қаҳрамонимиз. – Ҳар ойнинг биринчи сешанбасида ягона сиёсий кунлар ўтказиларди. Албатта, корхонамиз республика миқёсида катта нуфузга эга бўлгани боис бизга асосан Марказий Кўмита аъзолари, вазирлар келишарди. Бош директоримиз Александр Фёдоровга ягона сиёсий кунга Ўзбекистон Молия вазири Ислон Каримов келиши эҳтимоли борлигини билдирдим. Аслида ўзим ҳам шу кунгача Каримовни кўрмаган эдим.

Хонада ўтиргандим. Бир пайт эшик очилиб, истараси иссиқ киши табас-сум қилганча: “Партком бува, мумкинми?” деб кириб келди. У кўлимни маҳкам қисиб, “Мен Каримовман, Марказий кўмитадан ва-килман”, деб ўзини таништирди.

Ислон Абдўганиевич билан бир соат мобайнида корхона цехларини бирга айландик. У ишчилар билан худди қадрдонлардек суҳбатлашди, уларнинг муаммоларини ўрганди. Ягона сиёсий кунни ҳам жуда қизиқарли ва мазмунли ўтказди. Кетар чоғида Ислон Абдўганиевич ҳаммамиз билан куюк хайрлашди. Мана шу биргина самимий учрашув ва суҳбатдаёқ у фикрлари собитқадам, қатъий нигоҳли, кучли ирода эгаси сифатида барчамизда ўзгача таассурот қолдирган эди.

– Одамлар кабинетдан чиқмай фақат курсатма бериб ўтирадиган раҳбарларни ёқтирмайди, – дейди Алижон ака. – Одамларга сўз билан эмас, зарур пайтда амалий иш билан ёрдам бериш керак. Шундагина улар сизга ишонади, дилларини очади. Фазилатли, бағрикенг инсонлар бошқарган даргоҳдан эса ҳеч қачон фэйз-баракка ари-майди.

Бу сўзлар шунчаки насиҳат эмас, балки саксон йиллик ҳаёт мактабини ўтаган Алижон ака Акбаров умрининг мазмунига айланган.

Озод ХУШНАЗАРЗОДА

САМАРАЛИ ЙИЛ САРҲИСОБИ

Маълумки, божхона хизмати мамлакат иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва ташки иқтисодий фаолиятни кўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутаети. Шу жиҳатдан, Божхона кўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси республикадаги йирик худудий божхона идораларидан бири сифатида ўз зиммасига юклатилган вазифаларни изчил ва самарали амалга ошириб келмоқда.

▼ Назорат

Бугунги кунда Тошкент вилояти божхона бошқармаси тузилмасида 14 та божхона пости, 82 та божхона омбори, 2 та бож олинмайдиган савдо дўкони ҳамда қарийб 6 минг нафар ташки иқтисодий иштирокчилари фаолият юритмоқда. Экспорт ва импорт операцияларини амалга ошириш учун барча божхона постларида зарур шарт-шароитлар яратилган бўлиб, тадбиркорлар учун қулай муҳит шакллантирилган.

Утган 2025 йил давомида бошқарма томонидан жами 17,3 трлн. сўмлик божхона тўловлари ҳисобланди. Шу маблағларнинг 8 трлн. сўми тадбиркорлик субъектларини

кўллаб-қувватлаш мақсадида божхона имтиёзлари сифатида тақдим этилди, қолган 9,3 трлн. сўм давлат бюджетига йўналтирилди. Имтиёзлар асосан транспорт воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, технологик асбоб-ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда металл хом ашёларга нисбатан қўлланилди.

Ҳисобот даврида 2,4 млрд. АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги товарлар хорижий бозорларга экспорт қилинди. Асосий савдо ҳамкорлари сифатида Қозғистон, Хитой, Россия, Туркия, Афғонистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлатлари қайд этилди. Экспорт таркибида



металл ва металл буюмлари, транспорт воситалари, эҳтиёт қисмлар, тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари, технологик асбоб-ускуналар ҳамда кимё саноати маҳсулотлари етакчи ўрнини эгаллади.

Шу билан бирга, божхона қонунчилиги бузилишларининг олдини олиш, контрабанда ва яширин иқтисодиётга қарши кураш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмасига оид 59 та ҳолат

аниқланиб, жами 195,3 кг. гиёҳванд моддалар мусодара қилинди. Яширин иқтисодиётга қарши кураш доирасида 129 млрд. 263 млн. сўмлик товар-моддий бойликларнинг ноқонуний айланмаси фош этилди. Шунингдек, акциз маркази билан марказланмаган 74 мингдан ортиқ қўти тамаки маҳсулотларининг ноқонуний муомаласига чек қўйилди.

Тадбиркорлик субъектларини кўллаб-қувватлаш бора-сида “божхона худудида қайта ишлаш” режими ҳам самарали қўлланилди. Хусусан, 2025 йил-

да вилоят худудидаги 72 та тадбиркорлик субъекти томонидан қиймати 270 млн. АҚШ долларига тенг 762,5 минг тонна хом ашё ушбу режимида жойлаштирилди. Қайта ишлаш натижасида қиймати 246,2 млн. АҚШ доллари ва оғирлиги 420,6 минг тоннани ташкил этган тайёр маҳсулотлар экспорт қилинди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, вилоят божхона бошқармасининг 2025 йилдаги фаолияти иқтисодий ҳавфсизлики таъминлаш, ташқи савдо ҳажмларини ошириш, тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда қонунбузаришларга қарши самарали курашшга қаратилгани билан аҳамиятлтидир. Амалга оширилган чора-тадбирлар мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожига ва аҳоли фаровонлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

НАРГИЗА ЗУХУРОВА,
вилоят Божхона бошқармаси Ахборот хизмати раҳбари

томобиль йўлининг 129 км. (220 км.) “Бешкўл” навбатчилик маскани худуди-га 100 нафар фуқаро учун дала чодри (шатёр) ўрнатилиб, исиниш пункти ташкил этилди ҳамда қуруқ озиқ-овқат захираси, иситиш печлари, ёритиш чироклари, стол-стул ва бошқа зарурий жиҳозлар билан таъминланди.

Шунингдек, “Қамчиқавтотўл ИЙФК” ДМнинг 258- ва 524-йўл бўлимларида қулай шарт-шароитларга эга 50 нафар фуқароларни қабул қилиш бўйича исиниш пунктлари ташкил этилди. Мазкур пунктда мавсум бошидан бери 88 нафар фуқаро қабул қилиниб, иссиқ чой ва қуруқ озиқ-овқат билан таъминланган.

Ноқулай об-ҳаво шароитида ҳавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилиш ҳар биримизнинг ҳаётимизни асрайди. Йўлга чиқишдан олдин об-ҳаво ва расмий огоҳлантиришларни текшириш, белгиланган тезликка риоя қилиш, ҳавфли жойларда тўхтаб турмаслик но-хуш ҳолатларнинг олдини олади.

Ҳавфсизлик – энг муҳим вазифа эканини унутманг!

Х. БОБОНОВ,
“Қамчиқ” Махсус қутқарув бошқармаси бошлиғи, полковник



Маълумки, А-373 “Тошкент-Оҳангарон-Ангрен-Қўқон-Шаҳрихон-Андижон” автомобиль йўли ва “Ангрен-Поп” электрлаштирилган темир йўлининг “Қамчиқ” домини қисми республикамизнинг Фарғона водийси-ни бошқа вилоятлар билан боғлайдиган муҳим стратегик аҳамиятга эга инфраузилма ҳисобланади.

▼ Эҳтиёт шарт

МАВСУМ БЕТАЛАФОТ ЎТСИН

Довон орқали бир кунда ўртача 30 мингдан 35 минггача автотранспорт воситалари, шунингдек, “Ангрен-Поп” электрлаштирилган темир йўли орқали 25-30 та юк ва йўловчи поездлари қатнови амалга оширилиб, сутка давомида 80-90 минг тонна юк ҳамда 100 минг нафардан ортиқ фуқаролар ҳаракатланади.

Худудда аҳоли ва транспорт воситаларининг узлуқсиз ҳаракатини таъминлаш, табиий ва техноген хусусият-ли фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлган авария оқибатларини бартараф этишга жалб қилинадиган куч ва воситалар “Юқори тайёргарлик режими”да олиб борилмоқда. Қутқарувчилар томонидан мавсум давоми-

да 1 минг 330 марта чиқишлар амалга оширилиб, 1 минг 776 нафар йўловчи ва ҳайдовчиларга амалий ёрдам курсатилди.

Довоннинг 138-162-км.лари оралиғи-да 65 та қор кўчиш ҳавфи бор участка мавжуд бўлиб, улардан 37 таси тўғридан-тўғри автомобиль йўлига ҳавф со-лиши мумкин. Шунининбатга олиб ФВВ, Ўзгидромет ходимлари билан монито-ринг кузатув ишлари қучайтирилган тар-тибда олиб борилмоқда.

Ўтган мавсум давомида “Шимолий”, “Жанубий” захира йўлларига кириш ҳамда “Отрар” худудларида қор кўчиш ҳавфи эълон қилиниб, ҳавфсизлик чо-ралари қўрилган.

А-373 автомобиль йўлининг қор кў-

чиш ҳавфи юқори участкаларига 9 мингдан ортиқ ҳимоя тўсиқлари ўр-натилган. Жорий йил бошидан эса қорни тўсувчи 300 та қалқон ўрнатилмоқда. Шунингдек, ҳавфли участкаларда дои-мий мониторинг кузатиш йўлга қўйил-ган бўлиб, автомобиль йўлини сақлаш, ҳандақларни тозалаш ва сирпанчикқа қарши қум-туз аралашмаларини сепиш ишлари бажарилмоқда. Қор кўчилари эҳтимоли бор участкаларга 125 та огоҳлантирувчи “Тўхта! Қор кўчиш ҳав-фи бор!” ва 30 га яқин транспорт воси-талари тўхташини тақикловчи белгилар ўрнатилди.

Довонда содир бўлган фавқуллода вазиятлар, йўл ёпилиши билан боғлиқ ҳолатларда А-373 “Тошкент-Ўш” ав-

▼ Эълонлар

"MUSAFFO OBI HAYOT MAGISTRAL SUV TA'MINOTI" aksiyadorlik jamiyati kreditorlari diqqatiga!

O'zbekiston Respublikasi "Aksiyadorlik jamiyatlarlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida"gi Qonunining 92-moddasiga asosan qayta tashkil etish to'g'risida qaror qabul qilingan sanadan e'tiboran, o'ttiz kundan kechiktirmay jamiyat o'z kreditorlarini bu haqda yozma shaklda xabardor etadi.

Shu munosabat bilan, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Bog'ishamol ko'chasi, 221-uy manzili (tel.: 55-518-12-55) bo'yicha joylashgan "Musaffo obi hayot magistral suv ta'minoti" Aksiyadorlik jamiyati Sizga quyidagilarni ma'lum qiladi:

"Musaffo obi hayot magistral suv ta'minoti" Aksiyadorlik jamiyati yagona aksiyadorining 2026-yil 14-yanvardagi qo'shma Qarori bilan "Musaffo obi hayot magistral suv ta'minoti" Aksiyadorlik jamiyatini "Toshkent viloyati suv ta'minoti" Aksiyadorlik jamiyatiga qo'shib olish shaklida qayta tashkil etish to'g'risida qaror qabul qilingan.

Shunga ko'ra va yuqoridagi Qonunning 94-moddasiga asosan, "Musaffo obi hayot magistral suv ta'minoti" aksiyadorlik jamiyatining barcha huquq va majburiyatlarlari "Toshkent viloyati suv ta'minoti" aksiyadorlik jamiyatiga o'tadi.

“TOSHKENT VILOYATI SUV TA'MINOTI” aksiyadorlik jamiyati kreditorlari diqqatiga!

O'zbekiston Respublikasi "Aksiyadorlik jamiyatlarlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida"gi Qonunining 92-moddasiga asosan qayta tashkil etish to'g'risida qaror qabul qilingan sanadan e'tiboran, o'ttiz kundan kechiktirmay jamiyat o'z kreditorlarini bu haqda yozma shaklda xabardor etadi.

Shu munosabat bilan, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent viloyati, O'rta Chirchiq tumani, "Yo'ng'ichqala" QFY, Toshkent yo'li ko'chasi, 22A-uy manzili (tel.: 71 202-14-15) bo'yicha joylashgan "Toshkent viloyati suv ta'minoti" AJ Sizga quyidagilarni ma'lum qiladi:

"Toshkent viloyati suv ta'minoti" AJ yagona aksiyadorining 2026-yil 14-yanvardagi qo'shma Qarori bilan "Musaffo obi hayot magistral suv ta'minoti" AJni "Toshkent viloyati suv ta'minoti" AJga qo'shib olish shaklida qayta tashkil etish to'g'risida qaror qabul qilingan.

Shunga ko'ra va yuqoridagi Qonunning 94-moddasiga asosan "Musaffo obi hayot magistral suv ta'minoti" AJning barcha huquq va majburiyatlarlari "Toshkent viloyati suv ta'minoti" AJga o'tadi.

Фармацевтика таълим ва тадқиқот институти томонидан Зайнабидинова Гулчехра Тимуровнага тегишли № 268276 рақамли диплома 2022 йил 24 ноябрда берилган I № 000076-сонли (рўйхат рақами 76) ҳамда мазкур диплома 2023 йил 11 январда берилган МО № 001327-сонли (рўйхат рақами 1327) сертификатлар йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

